

Уч нарса кимда мужассам бўлса, унинг ақли расо бўлади | Тазкия дарслари (292-дарс)

ТАЗКИЯ
292-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



19:00 / 27 июль 1181

ذُبَعِ نَبِ سَابِعِ لَانَع
نَع، هُنَعُ هَلْ لِي ضَرِّ بِلْ طُمْ لَانَع
هَيْ لَعُ هَلْ لِي لَصِي بِن لَانَع
مَغَطَقَ اذْ» : لَاقَمَ لَسَو
هَلْ لِي ابِي ضَرُّ نَمِ نَامِي لَانَع
، اَنِي دِمِ اِلْ سِ ابِي و، اَبَر
مِ لَسُمُ هَاوَر. «اَلْ وُسَرِ دِمِ حُمِ بَو

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا

Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳни Робб, Исломни дин, Муҳаммадни Расул деб рози бўлса, иймоннинг таъмини тотган бўлади», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Ушбу ҳадисда ризо ҳақида улкан маъно баён этилмоқда. Унда иймон таъмини тотиш, иймон мукамаллигига эришиш қайси йўл билан амалга ошиши мумкинлиги баён қилинмоқда. Бунинг учун эса қуйидагилар амалга ошиши керак:

«Аллоҳни Робб деб рози бўлиш».

«Робб» сўзи «тарбиячи» маъносини англатади. Урфда эса кўп маъноларни, жумладан, «ризқ берувчи», «тадбирини қилувчи», «яратувчи», «эга» маъноларини ифода этади.

Робб – Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан биридир. Аллоҳ таоло бутун оламларнинг яратувчиси, уларга ризқ берувчи, тадбирларини қилувчи, эгалик қилувчи ва тарбияловчиси бўлганидан шундай аталган.

Аллоҳни Робб деб рози бўлиш эса «Аллоҳ менинг яратувчим, тарбиячим, эгам, ризқ берувчим, тадбиримни қилувчим», деб чин дилдан рози бўлишни англатади.

Рози бўлиш оғиздаги куруқ гап эмас ёки кўнгилдаги гумон ҳам эмас. Балки тўлиқ ишонч ва қаноатдир. Ким шу ишонч билан, шу қаноат билан яшаса, иймон таъмини тотиш йўлида катта қадам босган бўлади. Кейинги қадамлар эса:

«Исломни дин, Муҳаммадни Расул деб рози бўлиш» билан бўлади.

Демак, иймон таъмини тотиш учун инсон Исломга чин дилдан, тўлиқ рози бўлиши керак.

Фақат Исломга тўлиқ амал қилиб яшашим керак, деган ишончга ва қаноатга эга бўлиши лозим.

Ислом динига тўлиқ амал қилиб яшаш учун эса Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Расул, яъни Аллоҳнинг элчиси деб рози бўлиш керак.

Ислом таълимотларини, ҳукмларини Аллоҳ таолодан қабул қилиб, бандаларга етказган, ҳаётга татбиқ қилиб кўрсатган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Ул зотни Расул деб рози бўлмагунча, иймон таъмини тотиб бўлмайди.

Ҳа, Аллоҳни Робб, Исломни дин, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Расул деб рози бўлган одамгина иймон таъмини тотиши мумкин.

Шу мақсад йўлида машаққатларни кўтаришга рози бўлган одамгина иймон таъмини тотиб кўриши мумкин. Аммо чин қалбдан розилик, ишонч ва қаноат бўлмаса, иймоннинг таъми ҳам бўлмайди.

هُلَلَا يَضَرَّ رَمْعَ نُبَا نَع
يَلَّصِ هَلَلَا لُؤْسَرُ نَع ، أَمْ هُنَّ
:لَا قَمَّ لَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا
رَفَنُّ ثَالِثَ أَمَنِّي بَ «
رَطْمُ لَأَمْ هَدَخَأ نُّوَشَمَتِي
لَبَجِي فِرَاغِي لَأَوْوَأْف
مِهْرَاغِمَ فَيَلَعُ تَطْحُنَاف
لَبَجَلَا نَمُّ هَرَّخَصِ

لَاقَفْ ، مَهْيَلَعْ تَقَبَطْنَا فِ
أَوْرُظْنَا ؛ ضَعَبِلْ مَهْضُغَب
ةَحَلَّاصْ أَوْمُتْلَمَعْ أَلْأَمْعَأْ
لَعَلْ ، أَوْبَهَلْ أَوْعَدَافْ ، هَلَلْ
لَاقَفْ ، مُكْنَعْ أَعْجُفَيَهَلْ
يَلَنَّاكْ هَنَّائِمْ هَلَلْ ؛ مَهْدَحَأْ
يَلَوْ ، نَارِيَبَكْ نَأْخِيَشْ نَادِلْ أَوْ
مَهْيَلَعْ يَعْغَرَأْ ، رَاغْصْ هَيْبِصْ
تُبَلَّحْ مَهْيَلَعْ تُحَرَأْ إِذِافْ
يَدِلْ أَوْبُ تُأَدَبَفْ
يَنْبَلْ لُبَقْ أَمْهَتْ يَقَسَفْ
مُؤَيَّاتْ أَرْخَأْتْ سَائِنِأَوْ
تَيْسَمَأْ يُّتَحَاتْ أَمَلَفْ

تُبَلِّحُ ف ، اَمَّ اَنْ دَقُّ اَمُّهُ تَدَجَّ وَف
ذَنْعُ تَمْقَفُ ، بُلِّحُ اُ تَنْكُ اَمَّكُ
، اَمُّهَ ظِقُّوْا نَأُ هَرْكَأ ، اَمِّهِ سِوُءُرُ
، هَيْبُ صِلَا يِقْسَأُ نَأُ هَرْكَأ و
ذَنْعُ نَوْغِ اَضَاتِي هَيْبُ صِلَا و
رُجْفُ لَا غَلَطُ يُّتَحُ ، يِّمَّ دَقُّ
تُلَعْفُ يِّنَأُ مَلْعَتَاتُ تَنْكُ نَأِ ف
جُرْفُ اَف ، كِهَجَّ وَاغْتَبَا كِلْ ذ
اهْنَمُ يَرَنَّ هَجْرُفُ اهْنَمُ اَنْ ل
اَوَّارْفُ ، هَلْ لَا جَرْفَفُ ، اَمِّ سِلَا
رُخَالُ لاقَو ، اَمِّ سِلَا اهْنَمُ
هَنْبَا يِلُ تَنْ اَكُّ هَنْ اَمِّ هَلْ لَا
بِحُّي اَمِّ دَشَّاكُ اهْتَبَّحَا اَمِّ مَع

تُبَلَطُو ، ءَاسُّن ل ل اُجُّر ل ا
يُّتَحُّ تَبَّاف ، اءَسُّفَن اءَي ل ا
ر ا ن ي دِ ةِ ا م ب اء ي ت ا
ا ه ت ع م ج يُّتَحُّ تَبِّعَت ف
ا ه ي ل ج ر ن ي ب تُّعَقُّ و ا م ل ف
قُّت ا ، ه ل ل ا ذ ب ع ا ي : ت ل ا ق
ا ل ا م ت ا خ ل ا ح ت ف ت ا ل و ، ه ل ل ا
ت ن ك ن ا ف ، ت م ق ف ، ه ق ح ب
ك ل ذ ت ل ع ف ي ن ا م ل ع ت
ا ن ل ج ر ف ا ف ، ك ه ج و ا ع ت ب ا
ل ا ق و ، ج ر ف ف ، ة ج ر ف ا ه ن م
ت ن ك ي ن ا م ه ل ل ا : ث ل ا ث ل ا
ز ر ا ق ر ف ب ا ر ي ج ا ت ر ج ا ت س ا

بَلَّاقٌ، هَلَمَعَ يَضِقُ أَمَلَفُ
تُضَرَعَفُ، يُّقَحُّ يَنْطَعُ
لَزَأُ مَلَفُ، هُنَعُ بِيَعَرَفُ، هَيَلَعُ
أَرْقَبُ هُنَمُ تُعَمَجُ يَّتَحُّ هُغَزَأُ
قَّتَا بَلَّاقَفُ يَنْعَاجَفُ، آءَاعَرَوُ
كَلَّتْ يَلِإِبَهَذَا تُتْلُقُ، هَلَلَا
، آءُذَخَفُ، آءِئَاعَرَوِرَقَبُلَا
آلَوُ، هَلَلَلِاقَّتَا بَلَّاقَفُ
يِّنَا تُتْلُقَفُ، يِبُؤِزَهَتْسَتْ
، هَذَخَأَفُ، ذُخُ، كِبُؤِزَهَتْسَأَلُ
تُلَعَفُ يِّنَأُمَلَعَتْ تَنْكُ نِإَفُ
جُرْفَأَفُ، كِهَجَوَاعَتْبَاكِلَذُ
، هَلَلَلِاجَرَفَفُ، يِقَبُ أَمَ أَنْلُ

هَآوَر . «نُؤشُمَي اُؤجَرَخَف يُئِئِاسِّن لَأوِ نَأخِي شِلَا

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам дедилар:

«Уч нафар киши йўлда кетишаётган экан, ёмғирда қолиб, тоғдаги ғорга кириб олишибди. Бас, уларнинг ғорига тоғдан бир харсанг тушиб, чиқиш йўлларини тўсиб қолибди. Улар бир-бирларига:

«Аллоҳ учун қилган солиҳ амалларингизга бир назар солиб, уларни васила қилиб, Аллоҳга дуо қилинглар, шоядки, сизларга кушойиш берса», дейишибди.

Улардан бири:

«Аллоҳим! Албатта, менинг қари ота-онам бор эдилар. Менинг кичик ёшдаги болаларим ҳам бор эди. Уларнинг барчасининг риоясини қилардим. Уларнинг олдига қайтиб келсам, сут соғиб, болаларимдан олдин ота-онамга ичирар эдим. Бир куни кеч қолиб, кечасигача кела олмадим. Келиб, икковларининг ухлаб қолганларини кўрдим. Одатдагидек, сут соғдим ва ота-онам икковларининг бош тарафларида, уйғотиб юбормай деб кутиб турдим. Болаларга ичиришни ҳам эп кўрмадим. Болалар очликдан оёғим остида қичқиришарди. Тонг отгунча шу ҳолда турдим. Агар Сен шу ишда Сенинг розилигингни тилаб қилганимни билсанг, бизга бир тирқиш очгин, осмонни кўрайлик», деди.

Бас, Аллоҳ тирқиш очди. Ундан осмонни кўрдилар.

Бошқаси эса: «Аллоҳим! Мен амакимнинг қизига эркаклар аёлларга энг ашаддий муҳаббат қўйишларидек муҳаббат қўйган эдим. Бас, ундан талаб қилдим. У (қиз) бош тортди. У ўзига юз динор беришимни сўради. Мен пулни жамлаб келиб, уни ушлаб, икки оёғи орасига тушдим. Шунда қиз:

«Эй Аллоҳнинг бандаси! Аллоҳдан қўрқ! Узукнинг ҳаққини бермасдан очма!» деди.

Мен ўрнимдан турдим. Агар шу ишни Сенинг розилигингни тилаб қилганимни билсанг, бизга яна ҳам каттароқ тирқиш оч», деди.

Бас, яна тирқиш очди.

Учинчи шахс: «Аллоҳим! Мен бир фарақ гуручга мардикор ёллаган эдим. У ишни бажариб бўлганидан сўнг:

«Ҳаққимни бер», деди.

Мен унга ҳаққини кўрсатдим. У олишдан бош тортди. Мен ўша гуручни экишда давом этавердим. Ундан бир қанча сигир ва молбоқарлар орттирдим. У қайтиб келиб:

«Аллоҳдан қўрқ!» деди. Мен унга:

«Анави сигирлар молбоқарлари билан сеники, олавер», дедим.

«Аллоҳдан қўрқ! Мени масхара қилма!» деди.

«Сени масхара қилаётганим йўқ, олавер», дедим.

У олди. Агар мен шу ишни Сенинг розилигингни тилаб қилганимни билсанг, қолган қисмини ҳам очиб юбор», деди.

Бас, Аллоҳ очиб юборди».

Чиқиб, юриб кетишди».

Икки шайх ва Насоий ривоят қилишган.

هُلِّلَا يَضَرَّ عَزِيْرُهُ يَبْأَنْع
هُلِّلَا يَلْصُقْ يَبْنَلَا نَعُ، هُنَع
مَلَعَتْ نَمُ «: لَأَقَمَّ لَسَوْ هِيَلَع

هُجَّوْهِبِ يَغْتَبِي أُمَّمَ أُمَّلَعِ
إِلَّا هُمَّلَعَتِي أَلْهَلْ
نَمْ أَضْرَعِ هِبَ بِي صِيْلِ
هَنْجَلَا فَرَعُ دِجِي مَلْ أَيْ نَدَلَا
دُوَادُ وَبَأْ هَاوْرُ . «هَمْ أَيْ قَوْلَا مُوَي
هَجَامُ نُبَاوُ»

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳнинг розилиги талаб қилинадиган илмни фақат дунёнинг ўткинчи матоҳига эришиш учун ўрганса, қиёмат куни жаннатнинг ҳидини ҳам топа олмайди», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

هُلَلَا يَضْرَعُ نُبَا نَعِ
يِلَّصِي بِنَلَا نَعِ ، أُمَّهَنْعِ
بِلَاقِ مَلَسَوْ هَيْلَعُ هَلَلَا
هَلَّصَلَا نَمْ لَوْلَا تُقَوْلَا»

رُخْ أَلَا تُقَوْلُ أَوْ، هَلْ لَنَا أَوْضُرُ يُذِمُّرَّتْ لَنَا هَاوْرُ. «هَلْ لَنَا وَفَع

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Намознинг аввалги вақти Аллоҳнинг розилигидир. Охирги вақти Аллоҳнинг афвидир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Демак, Аллоҳ таолонинг розилигини топаман, деган одам намозни аввалги вақтида ўқиши керак. Охирги вақтида ўқиса, ноилож қолганда, афв тариқасидаги рухсатдир.

هُلْ لَنَا يَضُرُّ عَرِيْرُهُ يَبْأَنْع
هُلْ لَنَا لَوْ سَرَّ لَأَقْ: لَأَقْ هَنْع
:مَلَّسَ وَ هَيْلَعُ هَلْ لَنَا يَلَّص
ءَالُوْهُ يَنْعُ دُخْ أَيْ نَمُ
وَ، نَهَبَ لَمْ عَيْ فِ تَأْمَلْ كُ لَأ
«؟ نَهَبَ لَمْ عَيْ نَمُ مَلَّعُ ي
، هَلْ لَنَا لَوْ سَرَّ أَيْ أَنْ أُنْ لُقْ

، اَسْمَخُ دَعْفَ يَدَيْهِ دَخَّافُ
 نُنْكَتَ مَرَّاحًا مَلَّاقَاتَا « لَلَّاقَوُ
 اَمَّ بَضْرَاوِ سَّانِلَا دَبُّعَا
 يَنْعَا نُنْكَتَ كَلُّهُ لَلَّامَسَقِ
 كَرَّاجِ يَلَّانِ سَحَّأَوِ سَّانِلَا
 اَمَّ سَّانِلَلَّ بَحَّأَوِ ، اَنْ مُمُّ نُنْكَتَ
 نُنْكَتَ كَسْفَانِلَّ بَحُّتِ
 ، كَحَّضَلَّ ارْتَكُتَ اَلَوِ ، اَمَلُّ سُمُّ
 تِي مَّتِ كَحَّضَلَّ اَرْتَكُتَ نِإْفِ
 يَزِمَّرْتَلَا هَاوَرِ . بَلَّاقَلَا
 . دَمَّحَا مَّامِلَاوِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким мендан мана бу калималарни олиб, уларга амал қилади ёки уларга амал қиладиганларга ўргатади?» дедилар.

«Мен, эй Аллоҳнинг Расули», дедим.

Бас, у зот менинг қўлимдан тутдилар ва беш нарсани санадилар:

«Ҳаромлардан сақлан, одамларнинг энг обиди бўласан. Аллоҳ сенга тақсим қилган нарсага рози бўл, одамларнинг энг бойи бўласан. Қўшнингга яхшилик қил, мўмин бўласан. Ўзингга яхши кўрган нарсани одамларга ҳам яхши кўр, мусулмон бўласан. Кулгини кўпайтирма, чунки кўп кулги қалбни ўлдиради», дедилар».

Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган.

Аллоҳ таоло тақсим қилган нарсага рози бўлган одам «қаноат» номли улкан сифат соҳиби бўлади. Қаноатли одам эса одамларнинг энг бойи бўлади.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرُّ رَبَّاجُ نَع
يَلَصَّ هَلَلَا لُؤْسَرَلَا ق: لَاق
مُكُيَلَعُ «: مَلَسَوِ هَيَلَعُ هَلَلَا
لَامَ عَانَقَلَا نِإْفِ، عَانَقَلَاب
يِنَارَبُّ طَلَا هَاوَر. «دَفُنَي آل

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қаноатни лозим тутинглар! Қаноат туганмас молдир», дедилар».

Имом Табароний ривоят қилган.

Ўтган азизларимиздан Абу Ҳазм раҳматуллоҳи алайҳи:

«Уч нарса бор. Улар кимда мужассам бўлса, унинг ақли расо бўлади: ўзини ўзи билса, тилини тийса ва Аллоҳ азза ва жалла берган ризққа рози бўлса», деган.

أَهْنَعُ هَلْ لَأِي ضَرَّ شَيْءٌ أَعْنَعُ
هَيْلَعُ هَلْ لَأِي لَصَّيْبٌ نَلْنَعُ
أَزْجَلْ مَظِيعٌ نَأِ» : لَأَقِ مَلَسَو
أِذَا هَلْ لَأِنِ أَوْ، أَلْبَلْ مَظِيعَ غَم
نَمَفُ، مُهَالَتْ بَأْمَوْقٌ بَحَأُ
طِخَسٌ نَمَوْ، أَضْرَلْ أَوْلَفَ يَضَر
هَأَوْرُ. «طِخَسٌ لَأَوْلَفَ
يَذْمُرْتَلْ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, мукофотнинг катталиги балонинг катталигига қараб бўлади. Албатта, Аллоҳ қачон бир қавмга муҳаббат қилса, бало ила синаб кўради. Ким рози бўлса, унга ризолик бўлади. Ким ғазаб қилса, унга ғазаб бўлади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Аллоҳ таолонинг ҳукмига рози бўлиб, сабр қилган бандадан Аллоҳ таоло ҳам рози бўлади. Аллоҳ таолонинг ҳукмига рози бўлмай, ўзига етган

балодан ғазаби чиқса, ўша бандага Аллоҳ таолонинг ғазаби бўлади.

Шунинг учун мўмин банда ўзига етган ҳар бир кўнгилсизликни Аллоҳ таоло томонидан синов деб билиб сабр қилса, Аллоҳ таолонинг ҳукмига рози бўлса, албатта, Аллоҳ таоло ҳам ундан рози бўлади.

نَع ُ، هُنَع ُ هَلَلَا يَضَرُّ دَعَس ُ نَع ُ
هَيْلَع ُ هَلَلَا يَلَّص ُ يَبُّنَلَا
نُبَا ُ دَاعَس ُ نَم ُ «: لاق ُ مَلَسَو
هُل ُ هَلَلَا يَضَق ُ اَمِب ُ هاضِر ُ مَدَا
هُكُرَت ُ مَدَا ُ نُبَا ُ وَاقَش ُ نَمَو
ة ُ وَاقَش ُ نَمَو ُ، هَلَلَا ُ رَاخ ُ تَسَا
يَضَق ُ اَمِب ُ هُطَخ ُ س ُ مَدَا ُ نُبَا
ي ُ ذِمْرَت ُ لَا ُ هَاوَر ُ. «هُل ُ هَلَلَا

Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳнинг қазосига рози бўлиши одам боласининг саодатидандир. Аллоҳнинг истихорасини тарк қилмоғи одам боласининг бадбахтлигидандир. Аллоҳнинг қазосидан ғазабланиши одам боласининг бадбахтлигидандир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Мўмин банда ўзига мусибат етганда, уни Аллоҳ таолонинг ҳукми сифатида қабул қилиб, рози бўлиши зарурлиги ушбу ҳадиси шарифда алоҳида таъкидланмоқда. Саодатга эришишни истаган одам Аллоҳ таолонинг ҳукмига рози бўлмоғи даркор.

لَا أَقْبَلُ دُخْلَ دِيْعَسِ يَبَّأَنْعَ
هَلْ لِي لَصٍ هَلْ لِي لُؤْسَرٍ لَأَقِ
لُؤْقِي هَلْ لِي لَأَنْإِ» : مَلَسَ وَهِيَ لَع
، هَنْجَلُ هَأَي : هَنْجَلُ هَأَل
أَنْبَرَ كَيْبَلٍ نُولُؤْقِي فِ
لَهُ : لُؤْقِي فِ ، كَيْ دَعَسَ وَ
أَمْ وَ : نُولُؤْقِي فِ ؟ مُتِي ضَر
أَنْتِي طَعَأُ دَقِ وَ ، يَضْرَنَ أَلْ أَنْ
، كَقْلَخٍ نَمَ أَدْحَ طَعْتَ مَلْ أَمْ
لَضُفَأُ مَكِي طَعَأُ أَنْ : لُؤْقِي فِ
يَأُ ، بَرَ أَي : أُولَاقِ ، كَلِذْ نَمَ
؟ كَلِذْ نَمَ لَضُفَأُ عِي شِ

مُكَيَّلَعٌ لِحُأ: لُوقَيَف
مُكَيَّلَعٌ طُخُسَا لَف، يِنَاوُضِر
نَاخِيَّش لَاهَاوَر. «أَدَبَا هَدُغَب
يِذِمَّرْت لَاهَاو

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ аҳли жаннатга:

«Эй аҳли жаннат!» дейди.

«Лаббай, Роббимиз амрингга мунтазирмиз! Яхшилик Сенинг қўлингда!» дейдилар.

«Рози бўлдингизми?!» дейди.

«Бизга не бўлдики, рози бўлмасак?! Ҳолбуки, Сен бизга махлуқотларингдан бирортасига бермаган нарсани бердинг», дейдилар.

«Сизларга бундан ҳам афзал нарсани бераман» дейди.

«Эй Роббимиз! Қайси нарсга бундан ҳам афзал?!» дейдилар.

«Устингиздан розилигимни тушираман. Ундан сўнг сиздан абадул-абад норози бўлмайман», дейди», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.

